

Махмудов Миrabбос Фазлиддинович -
ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари”
ИТМ директорининг умумий масалалар бўйича ўринбосари

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
САЛОҲИЯТИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ АСОСИДА ОШИРИШ

Аннотация. Мақолада худудлар рақобатбардошлигини оширишда саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий жihatлари ўрганилган. Қашқадарё вилоятининг саноат ишлаб чиқариш салоҳияти таҳлил қилинган ва “саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталари”ни аниқлаш мақсадида, худуднинг қиёсий устунлик ва рақобатли афзалликлари таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига асосланган ҳолда Қашқадарё вилоятида худудий саноат салоҳиятини оширишга йўналтирилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: саноат, худуд, рақобат, рақобатбардошлик, рақобатда устунлик, ишлаб чиқариш салоҳияти, саноатининг ихтисослашуви, кластер.

Аннотация. В статье изучены теоретические аспекты эффективного использования потенциала промышленного производства в повышении конкурентоспособности регионов. Проанализирован промышленный потенциал Кашкадарьинской области, проанализированы сравнительные преимущества и конкурентные преимущества региона с целью выявления «точек роста промышленного производства». По результатам анализа разработаны научные предложения и практические рекомендации по повышению промышленного потенциала региона в Кашкадарьинской области.

Ключевые слова: промышленность, регион, конкуренция, конкурентоспособность, конкурентное преимущество, производственный потенциал, отраслевая специализация, кластер

Annotation. The article explores the theoretical aspects of the effective use of industrial production potential in improving the competitiveness of regions. The industrial potential of Kashkadarya region has been analyzed and comparative advantages and competitive advantages of the region have been analyzed in order to identify “growth points of industrial production”. Based on the results of the analysis, scientific proposals and practical recommendations have been developed to improve the regional industrial potential in Kashkadarya region.

Key words: industry, region, competition, competitiveness, competitive advantage, production potential, industry specialization, cluster.

Ривожланаётган мамлакат иқтисодиётини ривожланган давлатлар қаторидан жой олишини таъминлашнинг асосий йўналиши бўлиб, саноат ишлаб чиқаришини ялпи миллий маҳсулотдаги улушини кўпроқ ошириб боришига эришиш ҳисобланади. Маҳаллий ва дунё бозорларидаги талаб ва таклиф ўзгаришларига ўз вақтида мослаша оладиган, рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга асосланган саноат салоҳиятига эга бўлган давлатгина жаҳон ҳамжамиятига тезроқ интеграциялаша олади.

Мамлакатимизда ҳам саноат салоҳиятини ошириш ҳамда худудларнинг бой иқтисодий имкониятларидан самарали ва оқилона фойдаланиш масалалари ижтимоий-иқтисодий устивор вазифларидан бўлиб келган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 3.5 бандида белгиланган “Вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фой-

даланиш”[1] каби масалаларни самарали ечишда ҳар бир худуднинг ўзига хос бўлган иқтисодий ривожланиш салоҳиятларини аниқлаш каби вазифаларни қўймоқда. Ушбу ҳолатлар Қашқадарё вилоятини саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш ва ундан самарали фойдаланиш долзарб илмий - амалий аҳамият касб этади.

Худудлар саноатининг ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш борасидаги муаммоларни илмий ўрганиш ва уларни бартараф этиш масалалари доимо иқтисодчи олимларнинг диққат марказида бўлиб келган. Худуд рақобатбардошлигини таъминлашда ишлаб чиқариш салоҳиятини бирламчи омил сифатида қараган М.Портернинг фикрига кўра, “мамлакат ичида рақобат қанчалик ривожланган ва ҳаридорларнинг талаблари юқори бўлса, бу мамлакат компанияларининг ҳалқаро бозордаги муваффақиятга эришиш эҳтимоли шунча юқори бўлади ва аксинча, миллий бозордаги рақобатнинг кучсизланиши, қоидага кўра, рақобатбардош афзалликларнинг йўқотилишига олиб келади”[2] деган назарияларни илгари сурган. М.Портер назарияларида ишлаб чиқариш харажатларини максимал даражада камайти-

риш ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини самарали шакллантира олган худудлар халқаро бозорда рақобатда устунликларни таъминлаши асосий ёндашув сифатида қаралади.

Тадқиқотларда қайд этилишича, саноат иқтисодий ўсишни ҳаракатга келтирувчи асосий куч ҳисобланади ва аксарият тадқиқотлардаги мазкур фикр, айнан иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан саноатда инновация ва билимларнинг янги комбинациясидан фойдаланиш имкониятининг юқорилиги билан изоҳланади[3].

О.В.Баканач ва К.В.Гаусларнинг фикрича[4] - “саноат салоҳияти” саноат корхоналарининг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва яратишга бўлган ялпи қобилиятларидир. Муаллифларнинг қайд этишича, саноат салоҳияти ривожланишининг энг муҳим йўналишлари бу унинг янгиланиши, технологик модернизация, тармоқларнинг жадал ривожланиши, нисбатан илғор ва технологик муносабатлардир.

“Саноат ишлаб чиқариш салоҳияти” иқтисодий категория сифатида мураккаб тушунча бўлганлиги боис, уни ташкил этувчилари ҳам кўплаб унсурлардан иборат бўлади. Жумладан, А.О.Ларионов тадқиқотларида саноат салоҳияти худуднинг материал-техник салоҳияти, молиявий салоҳият, меҳнат салоҳияти, инфратузилма салоҳияти, инвестицион салоҳият каби кўрсаткичлар билан характерланади[5]. Худуднинг саноат ишлаб чиқариш салоҳиятини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар эса рақобатда устунликларини таъминловчи асосий омиллар сифатида қабул қилиш мумкинлигидан далолат беради.

Худуднинг ишлаб чиқариш кучларидан самарали фойдаланиш ва уларни кластерда бирлаштириш асосида рақобатбардошликни таъминлашга қаратилган тадқиқотлар Е.Стрябкова[6] томонидан олиб борилган. Халқаро меҳнат тақсмоти ва саноатни ресурс имкониятлари асосида мақсадли жойлаштириш ва улар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида мамлакат рақобатбардошлигини ошириш имкониятлари И.В. Пилипенко тадқиқотларида асосланган[7].

Ўзбекистонда рақобатдошликни минтақа даражасида ўрганиш нисбатан янги йўналиш бўлиб, бу борадаги тадқиқотлар илк изланишлар Ш.Назаров томонидан олиб борилган. Унинг тадқиқотлари минтақалар рақобатдошлигини ошириш жараёнларини бош-

қаришнинг методологик ва методик асосларини такомиллаштириш ва Ўзбекистон минтақалари иқтисодий салоҳияти, ижтимоий капитали ва яширин рақобат устунликларидан самарали фойдаланишнинг механизмлари ва чора-тадбирлари ишлаб чиқишга қаратилган. Тадқиқот натижаларига кўра модернизация ва диверсификация омиллари бўйича таҳлил натижалари эса минтақа иқтисодиётини модернизациялаш даражасини аниқлашда индустриаллаштириш омили бошқа омиллар орасида алоҳида ўринга эгаллигини асослаган[8].

Бугунги кунда саноат бозордаги зарурий мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва аҳоли даромадларини ошириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш каби муаммоларни самарали ечиш имкониятини ҳам беради ҳамда мазкур тармоқ иш ўринларини яратишда муҳим ўрин тутди. Хусусан, қайта ишловчи саноатда битта иш ўрнининг яратилиши бошқа тармоқларда икки ёки учта иш ўринларининг яратилишига олиб келади[9].

Амалга оширилган тадқиқотлардан маълумки, саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ҳамда худуднинг ўзига ҳос бўлган саноат салоҳиятини инобатга олган ҳолда рақобат устунликларини таъминлашга қаратилган тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Умуман олганда, йирик минтақавий марказлар ҳиссасига жаҳон ЯИМнинг 75 %, экспортининг - 58, инвестицияларнинг 76 % тўғри келмоқда[10]. Бу ўз навбатида бошқа минтақалар ва мамлакатларнинг ҳам рақобатдошлигини ошириш, хусусан, уларнинг ички иқтисодий салоҳияти ҳамда қиёсий устунликларидан самарали фойдаланишга ундамоқда.

Худудларда саноатни барқарор ривожлантириш масаласи мамлакат учун доимо муҳим иқтисодий аҳамият касб этиб келган. Чунки, мамлакат рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан худудий саноатни ривожлантиришга бевосита боғлиқ бўлиб, худудий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, худудларда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда мўлжалланган худудий прогноз параметрларига эришиш каби вазифаларни амалга оширишда худуд саноатининг салоҳиятидан самарали фойдаланиш қўйилган мақсадга тезроқ етишиш имкониятини беради.

Бугунги кунда республикамиз саноатини ривожлантиришда жуда катта ички худудий салоҳиятга, жумладан, маҳаллий хом ашё ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган Қашқадарё вилоятининг саноат салоҳиятидан самарали фойдаланиш долзарб иқтисодий аҳамият касб этади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб Қашқадарё вилоятида саноат салоҳиятидан самарали фойдаланишдан кўзланган асосий мақсад - вилоятнинг саноат салоҳиятини ошириш баробарида саноат маҳсулотларига бўлган ички талабни тўлиқ қондириш ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни шакллантириш асосида ташқи бозорга чиқишдан иборат.

Қашқадарё вилояти рақобатбардошлигини саноат ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида оширишда худуднинг қиёсий устунликни баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, истиқболли ривожланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда “саноат ишлаб чиқаришининг ўсиш нуқталари” аниқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Вилоятда “саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталари”ни аниқлаш услубиёти қуйидагича амалга оширилади. Вилоятда саноат

ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталари, худуд саноатига хос бўлган салоҳият ва қиёсий устунликни баҳолаш, ривожланиш тенденцияларини таҳлил қилиш, истиқболли ривожланиш манбаларини ҳисобга олган ҳолда аниқлаб чиқилади ва мазкур услубиёт қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш даражасини Республиканинг бошқа вилоятлари таққослаш орқали рақобатбардошлик даражасини ҳолатига ташхис қўйиш ва стратегик таҳлил усулларида фойдаланган ҳолда “саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш нуқталари”ни аниқлаш мумкин.

Қашқадарё вилоятининг республика кўрсаткичига нисбатан саноат ишлаб чиқариши паст даражада бўлган туманлар сони қуйидаги кўрсаткичларни ташкил этади (1-жадвал).

Келтирилган статистик маълумотларга кўра, Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариши ўртача республика кўрсаткичига нисбатан 0,5 фоиздан паст ҳамда 1,0 фоиздан юқори даражада бўлган туманлар сони 2000 йил, 2005 йил ва 2017 йилларда ўзгаришсиз қолган. Ҳолбуки, республика кўрсаткичига нисбатан 0,5 фоиздан паст бўлган туманлар сони камайиб, 1,0 фоиздан юқори бўлган туманлар сони кўпайиши лозим эди.

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида саноат ишлаб чиқариши паст даражада бўлган туманлар сони (ўртача республика кўрсаткичига нисбатан)[11]

	2000 йил			2005 йил			2015 йил			2017 йил		
	0,5 фоиздан кам	0,5-1,0 фоиз оралиғида	1,0 фоиздан юқори	0,5 фоиздан кам	0,5-1,0 фоиз оралиғида	1,0 фоиздан юқори	0,5 фоиздан кам	0,5-1,0 фоиз оралиғида	1,0 фоиздан юқори	0,5 фоиздан кам	0,5-1,0 фоиз оралиғида	1,0 фоиздан юқори
Қашқадарё	11		2	11		2	11		2	11	2	2
Ўзбекистон Республикаси	141	16	4	154	2	3	143	7	7	157	14	28

“Худуд саноатининг ихтисослашуви” маълум маънода худудларнинг саноат ишлаб чиқариш даражасидаги табақалашувни белгилайди. Чунки, худудий ихтисослашув меҳнат унумдорлигининг ошишига, бу эса ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига ва рақобатбардошликни ошишига олиб келади. Республика худудларининг саноат тармоқлари бўйича ишлаб чиқариш ҳажми мазкур худудларнинг саноат ишлаб чиқариши бўйича ихтисослашув даражасини баҳолаш имкониятини беради.

Қашқадарё вилояти ва республика ху-

дудларидаги тармоқларнинг ўрнини характерлаш учун “ихтисослашув коэффициенти” ҳисобланди.

Бунда, r - худуддаги i - тармоқ ишлаб чиқариши учун мазкур коэффициент (K_{ir}) қуйидагича аниқланади[12]:

$$K_{ir} = \frac{q_{ir}}{Q_r} \cdot \frac{q_i}{Q} \quad (1)$$

Бунда: q_{ir} - r - худуддаги i - чи тармоқнинг ишлаб чиқариш ҳажми, q_i - мамлакатда i - чи тармоқнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажми, Q_r - r - худудда ялпи ишлаб чиқариш ҳаж-

ми, Q - мамлакатда ялпи ишлаб чиқариш ҳажми. Қайси ҳудудда қаралаётган тармоқнинг ихтисослашув даражаси қанчалик юқори бўлса, шунчалик K_{ir} - коэффициентнинг қиймати юқори бўлади. Агар, $K_{ir} > 1$ бўлса, у ҳолда r - ҳудуддаги i -тармоқнинг ихтисослашуви мамлакат ялпи ишлаб чиқаришида мазкур тармоқнинг ўртача улушидан ортади.

Олинган натижаларга кўра, 2018 йилда республикада озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқаришда Самарқанд (1,696), Сирдарё (1,495) ва Сур-

хондарё (1,314) вилоятлари, тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда Жиззах (2,048), Наманган (1,900), Сирдарё (1,708) вилоятлари, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ва таъмирлашда Андижон (3,105), Хоразм (2,129) ва Тошкент шаҳри (1,637), кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқаришда Қорақалпоғистон Республикаси (4,946), Қашқадарё вилояти (2,554) ва Тошкент шаҳри (1,036) республикада етакчилик қилди (2-жадвал).

2-жадвал

Қашқадарё вилояти ва республика ҳудудларининг саноат ишлаб чиқариши бўйича ихтисослашув даражалари, (коэффициентда, 2018 йил) [13]

	Озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш	Тўқимачилик, кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш	Машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш	Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари	Кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш	Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратларини ишлаб чиқариш	Металлургия саноати
Қорақалпоғистон	0,874	0,689	0,065	0,003	4,946	0,071	0,001
Андижон	0,713	1,488	3,105	0,001	0,313	0,071	0,011
Бухоро	1,041	1,110	0,306	8,875	0,393	0,071	0,011
Жиззах	1,072	2,048	0,895	0,001	0,402	0,071	0,278
Қашқадарё	1,181	1,330	0,048	0,656	2,554	0,071	0,011
Навоий	0,468	0,646	0,218	0,009	0,830	0,029	4,833
Наманган	1,147	1,900	0,637	0,031	0,411	1,571	0,222
Самарқанд	1,696	1,124	1,113	0,003	0,545	0,357	0,011
Сурхондарё	1,314	1,665	0,452	3,250	0,054	0,429	0,011
Сирдарё	1,495	1,708	0,218	0,001	0,250	3,500	0,022
Тошкент	1,113	0,646	0,524	0,031	0,920	0,786	2,456
Фарғона	0,785	1,541	0,250	4,531	0,893	0,071	0,022
Хоразм	1,171	1,344	2,129	0,000	0,071	0,071	0,011
Тошкент ш.	0,898	0,488	1,637	0,188	1,036	2,714	0,922

Бунда, асосий эътиборни республикага бўйсунадиган йирик корхоналар кўрсаткичини чиқариб ташлаб, вилоят ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти ҳажмига, ялпи ҳудудий саноат маҳсулоти таркибида эса, қайта ишловчи тармоқларнинг қўшилган қийматига қаратиш методологик жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.

Саноатнинг тармоқ тузилмаси - унинг таркиби, тармоқлар ўртасидаги нисбатлар ва ўзаро боғлиқликлардан иборат бўлиб, тармоқ тузилмаси саноатни рақобатбат муҳитига мослашувчанлигини акс эттиради ва унинг тараққиёти даражасини белгилайди.

Қашқадарё вилояти ишлаб чиқарадиган саноатида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш 34,6 фоизни, резина ва пластмасса буюмларини ишлаб чиқариш 28,6 фоизни, тўқимачилик,

кийим, тери ва унга тегишли маҳсулотларни ишлаб чиқариш 27,8 фоизни, бошқа нометалл минерал буюмлар ишлаб чиқариш 4,9 фоизни, кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари 2,1 фоизни, мебель, ёғоч, пўкак, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш 1,1 фоизни, машина ва ускуналарни ишлаб чиқариш, таъмирлаш ва ўрнатиш, автотранспорт воситалари, трейлерлар, ярим прицеплар ва бошқа тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш 0,6 фоизни, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, нашр қилиш, ёзилган материалларни акс эттириш бўйича хизматлар, кимё маҳсулотлари, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва фармацевтика препаратларини ишлаб чиқариш ҳамда металлургия саноатининг улуши 0,1 фоизларни ташкил этди (3-жадвал).

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш саноатининг тармоқ таркиби

	2015	2016	2017	2018
1. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	35,1	33,9	32,7	25,2
2. Ичимликлар ишлаб чиқариш	0,63	0,73	0,93	0,85
3. Табак маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0	0	0	0
4. Текстил, кийим ва кожа маҳсулотлари ишлаб чиқариш	29	20,8	24,4	29,8
5. Текстил маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,49	6,92	6,23	5,91
6. Кийим-кечаклар ишлаб чиқариш	0,05	0,06	0,64	0,93
7. Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,17	0,15	0,2	2,18
8. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлб чиқариш	0,09	0,13	0,06	0,33
9. Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	0,12	0,14	0,14	0,09
10. Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш	2,58	2,14	0,62	0
11. Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш	26,3	28,4	27	27,7
12. Асосий фармацевтик перепаратлар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,01	0,09	0,01	0
13. Резина ва пластмасса маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,17	0,15	0,18	0,21
14. Бошқа нометалл минерал маҳсулотларни ишлаб чиқариш	3,17	4,9	4,86	4,35
15. Металлургия саноати	0,05	0,06	0,33	0,65
16. Тайёр металл маҳсулотлари ишлаб чиқариш	0,27	0,22	0,39	0,31
17. Компьютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,11	0,01	0,04	0,08
18. Электр жиҳозлари ишлаб чиқариш	0,02	0,01	0,02	0,01
19. Машина ва жиҳозлар ишлаб чиқариш	0,21	0,15	0,03	0,08
20. Автотранспорт воситалари ва трейлерлар ишлаб чиқариш	0,9	0,04	0,09	0,1
21. Бошқа транспорт жиҳозлари ишлаб чиқариш	0	0	0	0
22. Мебел ишлаб чиқариш	0,33	0,84	1,04	1,03
23. Бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	0,01	0,03	0	0
24. Машиналарни ўрнатиш, таъмирлаш ва жиҳозлар ишлаб чиқариш	0,19	0,13	0,15	0,25
25. Ишлаб чиқарадиган саноат жами	100	100	100	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган

Кўриниб турибдики, Қашқадарё вилояти саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш таркибида айрим тармоқларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш улуши пасайган бўлсада, бироқ, мазкур тармоқлардаги пасайиш нисбий характерга эга бўлиб, уларда қатор йиллар давомида ишлаб чиқариш ҳажмининг мутлақ ўсиш тенденцияси кузатилади. Сўнгги йилларда вилоят саноати тармоқлари таркибида саноат тармоқларининг янада бўлиниб бориши, янги - янги тармоқларнинг вужудга келиши, тармоқлар орасида интеграция жараёнларининг ривожланиши, тармоқлараро мажмуаларнинг шаклланиши, фан - техника ютуқлари билан бевосита боғлиқ тармоқларининг тезроқ ривожланиши каби бир қатор ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, ҳозирда вилоят томонидан таркибий ўзгаришларни амалга оширишда қуйидаги вазифалар устувор бўлиб қолмоқда:

- вилоят иқтисодиётининг бир томонлама (хом ашёвий) характерлашувига йўл қўймаслик ва тармоқлар тузилишини тубдан ўзгартириш;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатдошлигини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражага етказиш;

- ички бозорда талаб билан таклиф ўртасидаги мутаносибликни сақлаш.

Бугун кунда вилоят саноат салоҳиятини

асосий йўналишлари сифатида, ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқлари орасидаги мутаносибликни ўрнатиш, илмий-техник тараққиётни жадаллаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, аҳолининг шахсий ва ижтимоий истеъмолини ўрганиш орқали ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда тармоқларда хом ашё ва ресурслардан самарали фойдаланиш масалаларига асосий эътиборни қаратиш мақсадга мувофиқ бўлиб, мазкур вазифаларнинг амалга оширилиши вилоят саноатининг оптимал тузилмасини шакллантириш орқали рақобатбардошликни таъминлаш имкониятини беради.

Таҳлил натижаларидан келиб чиққанда, Қашқадарё вилояти саноатини ривожлантиришда ҳудуднинг қуйидаги қиёсий устунлик ва рақобат афзалликларини инобатга олиш тавсия этилади:

- вилоятда замонавий технологиялар асосида чуқур қайта ишлаш мумкин бўлган, сифати билан ажралиб турадиган, мева ва сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотлари етиштиришда йирик табиий иқтисодий ресурслар мавжудлиги;

- енгил саноатни ривожлантиришда ҳудудий қиёсий устунлик ва хом ашё базаси (Қамаши, Миршкор, Чироқчи, Косон, Жейнов,

Янги-Миришкор, Янги-Нишон, Пўлати худудларида юқори сифатли ингичка пахта толасининг ишлаб чиқарилиши, Қарши, Ғужумли, туманларининг ипакчилик бўйича бой тажрибаси, Чироқчи, Деҳқонобод, ҳамда Яккабоғ туманларида чарм ва тери хом ашёси ва жундан тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришда зарур қимматли хом ашё мавжудлиги) ва арзон ишчи кучининг мавжудлиги;

■ Миришкор, Косон, Шаҳрисабз, Қамаш туманларида ёғочни қайта ишлаш бўйича тажриба ва анъаналарнинг шаклланганлиги ва бошқалар.

Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқилиши лозим бўлган худудий саноат дастурида қуйидагилар назарда тутилмоғи мақсадга мувофиқдир:

- маҳаллий саноатнинг ривожланишига хизмат қилувчи худудий институционал тузилмалар фаолиятини такомиллаштириш;

- худудда технопарк, эркин саноат зоналари ҳамда кластер асосидаги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш;

- саноат корхоналарини худуднинг барча туманларида оқилона жойлаштириш;

- маҳаллий хом ашёни чуқур ва қайта ишлаш негизида экспорт салоҳиятининг барқарор ўсиб боришини таъминлаш;

- энергия ва ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий этишни янада кучайтириш, унумсиз сарф-харажатлар-

ни бартараф этиш ҳисобига саноат ишлаб чиқариши самарадорлигини муттасил ошириб бориш;

- худудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини, қадоқлаш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш масалаларини такомиллаштириш;

- худуднинг логистик тизимини такомиллаштириш;

- бўш турган фойдаланилмаётган майдон, ер ва биноларни салоҳиятли инвесторларга сотиш;

- маҳаллий хусусиятларни инобатга олган ҳолда туманларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш.

Хулоса қилганда, Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатлари тараққиётида саноатнинг роли беқиёс бўлиб, унинг самарадорлиги қанчалик юқори бўлса, ҳудуднинг рақобатбардошлиги шунчалик кучли бўлади ва аҳоли турмуш даражаси янада яхшиланиб боради. Шунингдек, саноат ривожига туфайли унда банд бўлган ходимларнинг сони кўпаяди, уларнинг билими ва илми, маҳорати ортади, кадрлар салоҳияти юқори даражага кўтарилиб, инновацион иқтисодий муҳит яратилади. Фақат саноатгина техника ҳамда инновациянинг барча ютуқларини мужассамлаштириб, меҳнатни техника билан қуроллантириш орқали унумдорликни юқори даражага кўтара олади.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. www.lex.uz.
2. М.Портер. Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов/Майкл Е. Портер; Пер. с англ. — М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. — 454 с.
3. Szirmai, A., Naudé, W., and Alcorta, L., (2013). Introduction and Overview: The Past, Present and Future of Industrialization. In Pathways to Industrialization in the Twenty-First Century: New Challenges and Emerging Paradigms, eds. Szirmai, A., Naudé, W., and Alcorta, L. Oxford, UK: Oxford University Press.
4. Баканач О.В. Типология регионов РФ по уровню развития промышленного потенциала / О.В. Баканач, К.В. Гаус // Проблемы совершенствования организации производства и управления промышленными предприятиями : межвузовский сборник научных трудов. - 2012. - № 1. - С. 15-21.
5. Ларионов А.О. Оценка промышленного потенциала региона. Проблемы развития территории. Вып. 2(76). 2015. - 49 с
6. Е.Стряжкова. Повышение конкурентоспособности региона на основе кластерной политики: теория и методология. диссертация на соискание ученой степени 08.00.05- Экономика и Управление народным хозяйством. 2016, Белгород. Ст-240
7. Пилипенко, И.В. Конкурентоспособность стран и регионов в мировом хозяйстве: теория, опыт малых стран Западной и Северной Европы: монография / И.В. Пилипенко. – Смоленск: Ойкумена, – 2005.
8. Назаров. Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. 08.00.12 – Минтақавий иқтисодиёт (иқтисод фанлари). докторлик диссертацияси автореферати. Тошкент -2016 й. 18-бет.
9. Lavopa A. and Szirmai A. (2012). Industrialization, Employment and Poverty, UNU-MERIT Working Paper Series 2012-081. Maastricht The Netherlands: United Nations University, Maastricht Economic and Social Research Institute on Innovation and Technology.
10. Назаров Ш.Х. Ўзбекистон минтақалари рақобатдошлигини оширишнинг методологик асосларини такомиллаштириш. Докт. дисс. автореф. Т.: 2016. - 5 б.
11. Республика худудларини 2016 - 2018 йилларда ижтимоий - иқтисодий ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича маҳаллий ҳокимликларнинг долзарб вазифалари. Худудларга хорижий инвестицияларни жалб этиш чоралари. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий - маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимларининг ўқув семинари тақдирот материаллари. –Т.: 2016.
12. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М.: 2003. - 113 с.